

ФИЗИКА ФАНИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

Юлдошев Фурқат Эшмуратович

*Жиззах шаҳар 5-сонли мактаб физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон
e-mail: yoldoshevfurqat@gmail.com*

Аннотация. Уибу мақолада физика фанининг халқ хўжалиги тармоғида кенг миқёсда қўлланилиши ёритилган. Мисол тариқасида металлургияда, қурилиши соҳасида, асаларичилик соҳасида физикавий қонунлар ва асбоб ускуналарнинг кенг қўлланилишини ўқувчиларга тушунтириши орқали уларда касбга бўлган қизиқишини ортириши мақсадида мақола тайёрланди.

Калим сўзлар. Ламинар оқим, турбулент оқим, шлюз, электролиз, шиша тола, базальт арматура, асаларичилик.

Место предмета физики в народном хозяйстве

Аннотация. В данной статье освещено широкое применение предмета физики в народном хозяйстве. В качестве примерах в металлургии, в отрасле строительство, в отрасле пчеловодство физические законы и приборы широко применяются. Статья подготовлено в цели увеличение интересов учеников на профессию.

Ключевые слова. Ламинарное течение, турбулентное течение, шлюз, электролиз, волоконная стекло, базальтная арматура, пчеловодство.

The role of Physical science in the national economy

Abstract. This article describes the widespread use of physical science in the history of national economy. As an example, an article was prepared for the purpose of increasing their interest in the profession by explaining the wide use of physical laws and tools in the field of metallurgy, construction and beekeeping.

Keywords. Laminar flow, turbulent flow, gateway, electrolysis, fiberglass, basalt fittings, beekeeping.

Бугунги кунда физика фанини таълим соҳасида ўқитилиши педагогик илмий изланишлар асосида юксалтирилмоқда.

Физика фанининг халқ хўжалиги соҳасидаги ўрни бекиёсdir. Металлургия соҳасида, қурилишда, паррандачилик, асаларичилик соҳасида физик қонунлар ва физик асбоб-ускуналар кенг қўлланилади. Айрим қонунларнинг қўлланилишини кўриб чиқамиз:

Буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ўзининг “Минералогия” асарида минераллар, қимматбаҳо рудалар ва металларни қандай қазиб олиш, улардан тайёр маҳсулотлар олиш сирларини ёзиб қолдирган.

1.Металлургия соҳасида қимматбаҳо руда зарраларини шлюзлар ёрдамида ажратиб олишда физика фанининг қуидаги боғланишлари мавжуд:

- қимматбаҳо руда зарралари ўз зичлигига кўра турли тезликда чўкиб, ҳаракатга келади;

- қимматбаҳо руда зарралари ўз зичлиги ва ўлчамларига кўра тарқоқланади ва сараланади;


- турли ўлчам зичлигидаги заррачалар шлюз тубида турлича ишқаланиш коэффициентида ҳаракат қиласди;

- сув оқими ва босими зарраларни турли тезликда силжитади.

Шлюзда қимматбаҳо руда зарраларини бойитишга таъсир этувчи асосий фактор-омил турли қатlam оқими турли тезликларда бўлишидир. Сувнинг ламинар оқимидан фарқли турбулент оқимида зарралар ўзаро аралашиб, тез сараланиб, ҳаракати тезлашади. Айни шу турбулент оқимда қимматбаҳо руда зарралари бойитмаси ҳосил бўлади. Қимматбаҳо руда зарраларини чўктиришнинг электролиз усули руда зарраларини эримас анод билан чўктиришдир. Анодлар графитдан тайёрланади, катодлар эса титан ёки зангламас пўлатдан тайёрланади. Товар регенерат электролит вазифасини бажаради. Электролиз жараёнини $25-30 \text{ A/m}^2$ ток зичлигига олиб борилади. Ваннадаги кучланиш 1 вольтга яқин.

2.Архитектура соҳасида шиша толалари, базалът арматуралар ишлаб чиқаришда физика фанининг қуидаги боғланишлари мавжуд:

Шиша тола-бросиликат шишасини юқори ҳароратда эритиб, диаметри 0.0002-0.03 мм тешикдан тортиб чиқариб, галтакларга ўраб олинади.



Ишлаб чиқариш технологиясида марказдан қочма ва пулфлаш усулларидан фойдаланилади. Шиша толасидан тайёрланган буюмлар иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланилади. Физикадан оптик толали алоқа

тушунчаларини ўқитишда ўқувчиларга шиша толаларини ишлаб чиқариш технологияларини тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

3. Қишлоқ хўжалигининг асаларичилик соҳасида физика фанининг қуидаги боғланишлари мавжуд:



Асалари хартумининг функцияси қуидагилардан иборат: суюқ шира озиқни сўришда пастки жағлар ва пастки лаб мўйи тилчага ёпишади ва найча ҳосил қиласди. Бу найча ичида тилча насос поршени каби тебранма ҳаракатланади ва натижада суюқлик юқорига, яъни хартумининг асосига етади. Кейинчалик озиқ халқумнинг сўриш ҳаракати билан ҳазм қилиш каналига ўтказилади.

Демак, физика фани ва унинг қонуниятларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланилар экан..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шохин В.Н. Лопатин Л.Г. “Гравитационные методы обогащения” м. Недра 1993 г.
2. Н.Ф. Крахотин .”Узбекистонда асаларичилик” Тошкент 1991 й.